УШБУ СОНДА:

3 ҚАДР ЮКСАЛГАН ЗАМИН

XXI АСР НАФАСИ
воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

4 ОТАЛИК МАРТАБАСИ

ФУТБОЛ... АВТОМОБИЛЬ... ВА ЎҒРИЛАР

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 33
(488)
2006 йил
22 август
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фан, адабиёт ва санъат асарига муаллифлик ҳуқуқи уни яратиш факти бўйича юзага келади. Муаллифлик ҳуқуқининг юзага келиши ва амалга оширилиши учун асарни рўйхатдан ўтказиш ёки бирон-бир бошқа расмиятчиликка риоя этиш талаб қилинмайди.

Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, асар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади.

Асар имзосиз ёки тахаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг тахаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исм-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 10-МОДДА.

ҲАЁТБАХШ ЭЗГУЛИК ИЖРОСИ

Ҳаётда билиб-билмай хато қилган, кейин айбини тан олиб, чин кўнгилдан пушаймонлик билдирган кишининг тавба-тазаррусини қабул қилиш, кечириш юксак инсоний амаллардан бири ҳисобланади. Кечиримлилик, узр сўраган, қилмишидан пушаймон кишининг айбидан ўтиш, бағрикенглик фазилатлари эса азал-азалдан халқимиз томонидан қадрлаб келинган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ана шундай эзгу ва ҳаётбахш қадриятлар қайта кўз очди. **«Барча ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатлари учун»** деган олижаноб ғоя ҳаётимиз мезонига айланди. Истиқлол йилларида барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ўтган давр мобайнида ҳуқуқий-демократик ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти — суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг янги Концепцияси амалга жорий этилди. Унга мувофиқ миллий қонунчилик тизими яратилди.

Олий Мажлис томонидан 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги қонун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида бутунлай янги даврни бошлаб берди, десак, асло адашмаймиз. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ давлат сиёсати инсонпарварлик тамойили асосида қурилганининг амалдаги тасдиғидир.

Зеро, қисқа вақт ичида Жиноят, Жиноят-ижроия кодексларидаги қатор меъёрларга ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритилди. Айрим моддалар эса янги таҳрирда баён этилди. Жиноят кодексига **«Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида»**ги 66.1-модда киритилгани бунга яққол мисол бўла олади.

Суд-ҳуқуқ тизими амалиётига ярашгани муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институтининг жорий қилиниши жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Чунки яраш-шув шарқона табиатимиз, миллий қадриятларимизга ниҳоятда мосдир. У халқимизнинг азалий, тарихий анъаналарига асосланган адолатпарварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, кенг феъллилик, меҳр-оқибатлиликни ўзида мужассам этган.

Киши ҳаётда ҳар хил воқеаларни бошидан кечириши мумкин. Баъзан эр-хотин, ака-ука, тоға-жиян, қўни-қўшни ўртасида арзимас сабаб билан «сен-мен»га бориш, ҳақоратлаш, дилхиралик бир-бирига қўл кўтариш ва тан жароҳати етказиш билан якун топади. Тан жароҳати битар, аммо кўнгил жароҳатининг битиши жуда қийин. Табиийки, айбдор қилмишига яраша жазо олиши керак. Кутилмаганда ақлдан заҳлининг устун келиши оқибатида юз берган кўнгилсизлик туфайли бир кишининг жабрланиши, иккинчисининг қамалиши аянчли ҳол. Айниқса, оқибатини ўйламаган эр ёстиқдошига тан жароҳати етказиб қамалса, оиласига, фарзандларига қийин. Қўни-қўшнилар, қариндошлар орасида юз берган низо охир-оқибат фарзандлар ўртасида адоватга айланиб кетиши мумкин.

Бундай мураккаб вазиятларда одам бағрикенгликка, меҳр-шафқатга муҳтож бўлиб қолади. Гулистон шаҳрида яшовчи нафақахўр Холмўмин Умаров судланишига бир баҳя қолди. Отахон бир девор қўшниси Неиля Башарова билан иноқ яшарди. Шу йилнинг 10 февраль куни соат 14⁰⁰да Н.Башарова Х.Умаровнинг уйига киради. Қўшниси уни қуюқ зиёфат қилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

АМНИСТИЯ — БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

Мустақилликка эришганимиздан буён орадан ўн беш йил вақт ўтди. Тарихан бу қисқа давр мобайнида Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари, ташаббуси ва ташкилотчилик салоҳияти туфайли адолатли жамиятнинг барқарор, халқаро мезонларга мос ҳуқуқий замини яратилди. Истиқлолимизнинг илк йилидан 2005 йилгача давлатимиз раҳбарининг «Амнистия тўғрисида» эълон қилинган ўн еттита Фармони чинакам бағрикенглик ва инсонпарварлик сиёсатининг намунаси бўлди.

Мазкур Фармонлар минглаб кишилар тақдирида чуқур из қолдирди. Чунки билиб- билмай тўғри йўлдан адашган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир эттанларга тинч ҳаёт ва оиласи бағрига қайтиш, айбини ҳалол меҳнат билан ювиш учун жуда катта имконият яратилди. Энг муҳими, улар кечиримлилик ва бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни қалбдан ҳис этишди. Бу эса ўз навбатида жамиятда ҳам бағрикенглик ва меҳр-оқибатга асосланган ўзига хос маънавий муҳитни юзага келтирди. Бағрикенглик, кечиримлилик ва меҳр-мурувват кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг етакчи тамойилига айланди.

Қуйида ана шу Фармонларнинг мухтасар баёни билан танишасиз.

1991 йил 31 август куни мустақиллигимиз эълон қилиниши муносабати **«Амнистия тўғрисида»**ги Президентимизнинг илк Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармонда 60 ёшдан ошган эркаклар, 55 ёшдан ошган аёллар, I ва II гуруҳ ногиронлари, вояга етмаган болалари бор ва ҳомиладор аёллар, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар жазодан муддатидан илгари озод қилиниши белгиланди. Бундан ташқари, 5 йилгача ва 3 йилгача озодликдан маҳрум қилишга ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм этилган аёллар ва вояга етмаган ўғил болалар жазодан озод этилиши каби қатор енгилликлар қайд этилди. Шунингдек, айрим тоифадаги судланган шахсларнинг ўталмаган жазо муддатлари ярмига қисқартирилди.Терговдаги ва ҳали судда кўрилмаган айрим тоифадаги жиноят ишлари ҳаракатдан тугатилди. Истиқлолга эришилган куни эълон қилинган ушбу Фармон ёш мустақил давлатимизнинг бағрикенглик қилиб, минглаб одамларга тўғри йўлни топиб олиш учун имконият яратиб бергани инсонпарвар сиёсат йўлидаги илк дадил қадам эди.

1992 йил 6 апрель

«Жаҳон Миллатлар Ҳамжамиятига аъзо бўлганлик муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Президент Фармонига кўра, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилганлар, оғир бўлмаган жиноятлар содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноятга ўқ урган, балоғат ёшига етмаган, шартли равишда озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган, биринчи марта оғир бўлмаган жиноятни қасддан содир этган, суд жазони манзилгоҳ — калонияларда ўташни тайинлаган, белгиланган жазо муддатини камида ярмини ўтаб бўлган маҳкумлар жазодан озод қилиниши назарда тутилди. Хусусан, биринчи марта айрим тоифадаги жиноятлар содир қилганлар, шунингдек, жазони манзилгоҳ-колонияларда ўташга тайинланганларнинг қолган жазо муддатлари ярмига ва учдан бирига қисқартирилиши белгиланди.

1992 йил 28 август

Мустақилликнинг бир йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Президент Фармонида уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган шахслар, аёллар ва балоғатга етмаганлар, кексалар ва ногиронлар, уч йилгача озодликдан маҳрум этилган ёки шартли равишда озодликдан маҳрум қилиниб, меҳнатга мажбуран жалб этилганлар муддатидан илгари жазодан озод этилиши белгиланди. Шунингдек, терговдаги ва судлар томонидан кўриб чиқилмаган баъзи тоифадаги ишларнинг ҳаракатдан тўхтатилиши ҳам назарда тутилди.

1993 йил 7 декабрь

«Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги муносабати билан авф этиш тўғрисида»ги Президент Фармони чиндан ҳам, меҳр-шафқат, инсонпарварликнинг амалий ифодаси бўлди. Чунончи, мазкур Фармонга биноан, биринчи марта қамоққа ҳукм қилинган аёллар ва балоғат ёшига етмаган шахслар, оғир жиноят, уюшган жиноий гуруҳлар таркибида жиноят содир этмаган бўлса, шунингдек, эҳтиётсизлиш оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар озодликка чиқарилди. Айрим тоифадаги жиноят содир этган шахсларнинг жиноий ишларини тергов қилиш ва судда кўришда тўхтатилиши ҳам мазкур Фармонда алоҳида қайд этилди.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакат ҳаётини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлар интизомига эришиш, хорижий инвестиция ва инвесторлар иштирокидаги корхоналар фаолияти барқарорлигига қаратилган амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, шубҳасиз, иқтисодий тараққиётимизга хизмат қилади.

Taassuf

АДОЛАТ ВА ХОЛИСЛИК

2006 йилнинг биринчи ярим йилида Самарқанд вилояти адлия бошқармасига фуқаролардан 427 та ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 385 таси ўрганиб чиқилиб, 328 таси қаноатлантирилди. 57 таси асоссизлиги сабабли рад қилинди. Жумладан, бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан тадбиркорлардан жами 220 та ариза, шикоят ва мурожаатлар келиб тушган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 95 та кўп, демакдир. Ариза ва шикоятларнинг сон жиҳатидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўплиги тадбиркорларнинг адлия идораларига ишончи ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ушбу мурожаатларнинг 210 таси муаллифлар иштирокида ўрганилди ва 177 таси асосли деб топилиб, қаноатлантирилди.

Бу аризаларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, уларнинг 151 таси танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга ер ажратиш билан боғлиқ бўлган масалалар сирасига киради. Мисол учун Ургут тумани «Баҳрин» ширкат хўжалиги «Оқмачит» қишлоғида яшовчи фуқаро А.Асланов ширкат хўжалигини фермер хўжаликларига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг ҳаракатидан норози бўлиб, ариза билан мурожаат қилган эди. Маълум бўлдики, А.Асланов «Баҳрин» ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича ўтказилган тендерда 35-лойиҳада тавсия этилган ер участкасини ўзлаштирмоқчи бўлган ва ушбу ер участкасини ўзлаштириш учун ер участкасини ажратиш ҳақидаги ариза ва ҳужжатларини комиссия раиси — туман (шаҳар) ҳокимлари ҳақли.

Шунга биноан, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан юқоридаги ҳолатлар юзасидан Республика Солиқ бошқармасига киритилган тақдимномалар асосида Шуманай туман солиқ инспекцияси бошлиғи М.Каримбердиевга, бошлиқ ўринбосари А.Бекмуротов ва бўлим бошлиғи К.Торамбетовга интизомий жазо чоралари қўлланилди. Қонликўл туман солиқ инспекцияси бошлиғи эса эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди, бош инспектор Ж.Оразимбетов ва катта инспектор Ж.Худойбергенов жаримага тортилди. Шунингдек, қисқа муддатли текширишлар ўтказиш учун берилган рухсатномаларни ҳамда тадбиркорлик субъектларига қўлланилган молиявий жарималарни бекор қилиш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судига даъво аризалари киритилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Tahlil va saboq

ҚОНУН — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида эски маъмурий буйруқбозлик тизимига хос бўлган иллатлардан бутунлай воз кечиш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун қонуний кафолатларни таъминлаш, барқарор бозор инфратузилмасини шакллантириш зарурлигини таъкидлаганди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси бўйича давлат рўйхатидан ўтказилган хўжалик юритувчи субъектлар сони 18280 тани, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари сони 16454 тани ташкил этди. Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳудуддаги аксарият микрофирмалар, кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳисобот даврида бор имкониятларини ишга солиб, фаолият юритди. Албатта, ҳаракат бор жойда қарама-қаршилик ҳам юзага келиши табиий ҳол. Шу маънода тадбиркорлик субъектлари фаолияти доимий равишда вазирлик диққат-эътиборида бўлганини, бу борада юзага келган сунъий тўсиқларни бартараф этиш чоралари кўрилганини таъкидлаш жоиз.

Ўрганишлар давомида тадбиркорлик равнақига ғов бўлаётган баъзи қонунбузилиш ҳолатларига дуч келинди. Аниқроқ айтганда, 8 та ҳолатда назорат қилувчи идоралар томонидан текширишларнинг белгиланган тартиби бузилгани аниқланди. Масалан, Шуманай туман солиқ инспекцияси бошлиғи М.Каримбердиев томонидан «Юсупов Бердақ» хусусий корхонасида қисқа муддатли текширишлар ўтказишга рухсатнома берилган. Текширув натижаларига кўра, корхонага энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида жарима қўлланилган. Шунингдек, Қонликўл тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи томонидан «Гулсанам» хусусий фирмасида текширишлар ўтказишга берилган рухсатномага асосан, инспекция бош инспектори Ж.Оразимбетов ҳамда катта инспектор Ж.Худойбергенов фирмада қисқа муддатли текширув олиб боришган. Ҳолбуки, назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2005 йил 13 майдаги йиғилиши баённомасига биноан, қисқа муддатли текширишларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат туман (шаҳар) ҳудудий комиссиялари раислари — туман (шаҳар) ҳокимлари ҳақли.

(Давоми иккинчи бетда)

Sharhlovchi minbari

ҒАРБЧА «ДЕМОКРАТИЯ»

У нималарда намоён бўлмоқда?

Ислом дини — муқаддас. Ундан ниқоб ўрнида фойдаланиш эса гуноҳ. Умуман, партияларга, мазҳабларга, турли дастурлар ва оқимларга қараб бўлиниш нафақат бошбошдоқлик ва парокандаликни, балки ўзаро уруш-жанжалларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Бунга ҳозирги халқаро ҳаётдан кўплаб мисол келтириш мумкин. Айниқса, Яқин Шарқдаги шиалар билан суннийлар ўртасидаги низо вайронагарчилик ва қон тўкилишига олиб келаётганини жаҳон афкор оммаси кўриб турибди. Ёвуз ниятли кучларнинг мусулмонлар ўртасига нифоқ солаётгани оқибатида ҳозир Ироқда ҳар куни хунрезликлар рўй бериб турибди. Геосиёсий ва бошқа манфаатларни кўзлаган ташқи кучлар бу каби қарама-қаршиликни зўрайтиришга уринмоқда. Жаҳон жамоатчилиги бу нохолис «тажриба»нинг «самара»сини нафақат Ироқ ёки Яқин Шарқда, балки Афғонистонда, Африкадаги айрим мамлакатларда, Болқонда кечган воқеалар мисолида кўрди. Биргина Фаластинни оладиган бўлсак, ФАТХ билан ҲАМАС ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликдан ташқи кучлар усталик билан фойдаланишмоқда. Ўзаро иттифоқ бўлмаган жойда нафақат мамлакат ва миллат манфаатига, балки диний эътиқоднинг мустаҳкамлигига ҳам зиён етади. Демократия ниқоби остида турли диний партиялар тузилаётгани, ташқи кучлар диний мазҳаблардан бирини қўллаб, бошқасини таъқиб этаётгани, элу элатлар ўртасида диний-этник низолар қўзғатилаётгани, ғарбча турмуш тарзи тарғиб қилинаётганидан ҳам муайян мақсадлар бор. Гўё Ғарб демократик қадриятлари Шарқнинг диний қадриятларига уйғун эмиш.

Демократия «даҳо»лари ўзлари ўйлаб топган сунъий андозаларнигина тан олишади, бошқа ҳар қандай эркинликни эса инкор этишади. Хусусан, бундан бир неча йил муқаддам Жазоирда демократик сайлов ўтказилди, бироқ сайловда ғолиб чиққанларга ҳокимият берилмади. Чунки мамлакатда ғарбпараст кучларнинг таъсири кучли эди. Оқибатда низо келиб чиқиб, мусулмонлар ўз биродарларининг қонини тўкди. Ғарбдаги демократлар эса томошабин бўлиб туришди, холос. Шу йил бошида Фаластинда бўлиб ўтган демократик сайловлар натижасини АҚШдан бошқа деярли барча давлатлар тан олди. Бундан чиқадики, АҚШ манфаатига тўғри келмайдиган ҳар қандай эркин ҳаракат «демократияга зид» экан-да.

Ироқ билан Ливанда демократиянинг «ғалаба»си қай тарзда таъминланаётганини бутун дунё кўриб турибди. Кунига 50-60 нафар киши қурбон бўлаётир. Хўш, бундай «демократия тантанаси» кимга керак?

(Давоми учинчи бетда)

Istiqlol odimlari

ҲАЁТБАХШ ЭЗГУЛИК ИЖРОСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Кейин эса нимадир сабаб бўлиб улар ўртасида гап қочади. Х.Умаров жаҳл устида Н.Башаровани итариб юборади ва у йиқилиб тушади. Сўнг у чап елкасида қаттиқ оғриқ пайдо бўлгани боис шифокорларга мурожаат қилади. Маълум бўлишича, Н.Башарованинг чап елка қисмининг юқори бурма суяги синган экан.

Шу тарзда Х.Умаров жабрланувчига ўртача оғир жароҳат етказиб, Жиноят кодексининг 105-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбланди. Шунда у қилмишидан пушаймон бўлиб, кечирим сўради. Ўз навбатида суд икки қўшнининг ярашганини инобатга олиб, Х.Умаровга қамоққа оид жазо белгиламади.

Жабрланувчи Н.Башарова бағрикенглик қилиб, қўшнисини кечирди. Суд мажлисида ўзаро ярашиб кетишгани, айбдор кечирим сўрагани, етказган моддий зарарни қоплагани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини баён этиб, ариза берди. Судланувчи Х.Умаров ҳам жабрланувчининг даволанишига кетган сарф-харажатларни қоплагани, кечирим сўрагани, жабрланувчи билан ярашгани, қилган хатоларини тушунганини билдириб, ўзининг кексалигини инобатга олиб ишни тугатишни сўради.

Жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди Х.Умаровга Жиноят кодексининг 105-моддаси, 1-қисми билан қўзғатилган жиноят ишини жабрланувчи билан ярашгани муносабати билан тугатиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, шўро даврида жабрланувчи айбдорни кечирса-да, қонун кечирмас эди. Ярашув институтининг жорий этилгани эса том маънода бағрикенглик намунасидир. Буни юқоридаги мисоллар ҳам тасдиқлайди. Мазкур судда шу йилнинг 12 июль куни Жиноят кодексининг 168-моддаси, 1-қисми билан айбланган Феруза Содиқовага доир жиноят иши ҳам кўриб чиқилди. Судланувчи Ф.Содиқова 2004 йилнинг 15 май куни фирибгарлик, яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида Гулистон шаҳрининг 1-мавзесида жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинига икки ёшгача болалар нафақасини олиш учун ариза билан мурожаат қилган. У ёлғон маълумот ва ҳужжатлар тақдим этиб, 2004 йилнинг июнь ойидан 2005 йилнинг май ойига қадар жами 154 минг 900 сўмни фирибгарлик йўли билан талон-торож қилган.

Суд Ф.Содиқованинг айбига тўлиқ иқрорлиги, фуқаровий даъвогар билан ўзаро ярашгани, етказилган моддий зарарни тергов даврида тўлиқ қайтарганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан қўзғатилган жиноят ишини тугатди ва у жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

— ***Ярашув институти яхшиликка, ҳаётда эзгуликнинг қарор топишига хизмат қилмоқда,*** — дейди жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди судьяси Ғ.Холматов. — ***Ярашув туфайли жиноят иши судда тугатилса, жиноят содир этган шахс судланган ҳисобланмайди. Ёши бир жойга етган отахон Х.Умаров, ёш болали Ф.Содиқова каби турли ёшдаги фуқаролар билиб-билмай қилган хаталарини тушуниб етгани, қилмишидан пушаймонлиги улар тақдирида ижобий ўзгариш ясамоқда. Маълумот ўрнида айтадиган бўлсак, шу йилнинг биринчи ярим йилида Сирдарё вилоятида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 156 та ярашув иши 160 нафар шахсга нисбатан кўриб чиқилди. Шундан 9 та иш 10 нафар хотин-қизга нисбатан кўрилган. Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича судлари томонидан ўтган муддатда 174 нафар шахсга нисбатан 167 та иш кўрилган. Улардан 8 нафари хотин-қизлар, 5 нафари эса вояга етмаганларга тааллуқлидир.***

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судларида шу йилнинг дастлабки олти ойида 457 нафар шахсга нисбатан ярашув институти қўлланилган. Шундан 28 та ишда 28 нафар хотин-қизга, 12 та ишда 17 нафар вояга етмаган ёшларга нисбатан бағрикенглик қилинган.

Навоий вилоятида эса шу йилнинг ўтган ярим йилида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 213 нафар шахсга нисбатан ярашув институти қўлланилиб, жиноят ишлари айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилган. Бу шахсларнинг 15 нафари хотин-қизлар, 9 нафари эса вояга етмаганлардир.

Умуман, шу йилнинг дастлабки олти ойида Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар — тан жароҳати етказиш, туҳмат, ҳақорат қилиш, фирибгарлик, транспорт воситасида ҳаракат хавфсизлигини бузиш натижасида иш судга етиб борган, аммо томонларнинг судга ярашув институтини қўллашни сўраб қилган мурожаатлари асосида жиноят ишлари тугатилган фуқаролар 1004 нафарни ташкил этди. Демак, бир минг тўрт нафар шахсга нисбатан турли хил жиноятлар учун қамоқ ёки бошқа жазо чоралари қўлланилмаган. Энг муҳими, бу шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинди, пешонасига судланганлик тамғаси босилмади.

Агар бу таҳлилни бошқа вилоятлар мисолида давом эттирсак, шубҳасиз, ярашув институти туфайли жазодан озод бўлган, бироқ жазонинг муқаррарлигини англаганлар сони янада ортади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, мавқеига алоҳида ҳурмат билан қаралади. Аёл — оила бекаси, она, қайсидир меҳнат жамоасининг фаол аъзоси. Улар бор жойда саранжом-саришталик, файзу барака бор. Бироқ баъзан билиб-билмай жиноят содир этиш аёлнинг суд эшигига боришига сабаб бўлади. Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларида жиноят судлари томонидан шу йилнинг дастлабки олти ойида ярашганлиги муносабати билан тугатилган юқоридаги жиноят ишларининг 60 тасида 61 нафар хотин-қиз жавобгарликдан озод қилинган. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, жиноий жазоларнинг либераллашуви улар ҳаётида ижобий ўзгариш ясади. Улар бағрикенглик ва меҳр-шафқатнинг нақадар эзгу амал эканини энди чуқур ҳис этишади.

Халқимиз вояга етмаган ўсмирларни ниҳолга қиёслайди. Ниҳол қайси томонга эгилса, ўша томонга қараб ўсади. Вояга етмаганларга тўғри йўл кўрсатиш, уларни жиноят кўчасига кириб қолишдан сақлаш, ахлоқан тузалиш йўлини тутишлари учун тўртта вилоятда қайд этилган вақт ичида 32 нафар вояга етмаган ёшларга нисбатан ярашув исститути қўлланилгани келажак йўлида амалга оширилган эзгу ва олижаноб амалдир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, судланувчилар ва жабрланувчилар ўртасидаги ихтиёрий ярашув туфайли жиноят ишларининг тугатилгани ҳамда уларнинг жиноий жавобгарликдан озод этилгани истиқлол берган катта имкониятдир. У кўплаб инсонлар тақдирида чуқур из қолдириши шубҳасиз.

Зотан, кечиримлилик, бағрикенглик халқимиз тийнатидаги энг яхши фазилат ҳисобланади. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ярашув институти эса одиллик, инсонпарварлик, адолатпарварлик белгиси, шарқона табиатимиз ва миллий қадриятларимизнинг амалдаги кўринишидир.

Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Mulogot

ИМТИЁЗ БОР

— Ёшим 45 да. Турмуш ўртоғим иккаламиз ёлғиз яшаймиз. Иккинчи гуруҳ ногиронман. Ногиронлигим инобатга олинган ҳолда ер солиғидан озод этилишим мумкинми?

Р.ПАРПИЕВА,
Ангор тумани

— Солиқ кодексининг 102-моддасида ер солиғи тўлашдан озод қилинган солиқ тўловчилар рўйхати қайд этилган. Ушбу модданинг 2-қисмига асосан қуйидаги жисмоний шахслар ер солиғидан озод қилинадилар:

1) Яйлов чорвачилигининг чўпонлари, йилқибоқарлари, механизаторлари, ветеринар врачлари ва техниклари, бошқа мутахассислар ва ишчилари;

2) Ўзбекистон Қаҳрамони ва унга тенглаштирилган бошқа унвонларга сазовор бўлганлар, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланганлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари;

3) хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар;

4) ҳақиқий муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари — хизмат муддатида;

5) I ва II гуруҳ ногиронлари;

6) ёлғиз пенсионерлар;

7) боқувчисини йўқотган кўп болали оилалар;

8) концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чернобиль АЭСидаги фалокат оқибатларини тугатишда иштирок этган шахслар;

9) кўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган вақтдан эътиборан беш йилгача озод қилинади.

Демак, сиз ҳам, мазкур моддада кўрсатиб ўтилганидек, ер солиғи тўлашдан озод этиласиз.

ЖАВОБГАР ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА БУРЧИ

— Яқин қариндошимиз хотинини уриб, тан жароҳати етказгани учун унга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланди. Айтинг-чи, қариндошим суд жараёнида қандай ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин? Шунингдек, унинг қандай бурчлари мавжуд?

Қ.ШЕРҚУЛОВ,
Оққўрғон тумани

— «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 294-моддасига биноан, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилингани тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳолларда-гина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун мазкур Кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларни мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт.

Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлаган тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) идораси томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

Экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш божхона идораси томонидан алоҳида ҳолларда, агар маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлса ёки унинг қаердалигини аниқлашнинг иложи бўлмаса, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

МЕРОС ҚАНДАЙ ТАҚСИМЛАНАДИ?

— Мен хорижга ишга кетганлигим туфайли ўз вақтида ота-онамдан қолган меросга ворислик қилолмадим. Хориждан қайтгач, ушбу масала юзасидан нотариал идорага мурожаат қилганимда, менга муддат ўтгани учун мерос ака-опаларим ўртасида тенг тақсимланишини айтишди. Агар ака-опаларим меросдан воз кечишса, мерос яна тўлиқ ўзимга ўтказиладими?

К.НИШОНОВ,
Ғаллаорол тумани

— Агар ака-опаларингиз меросдан тўлалигича воз кечишса, сиз меросга даъво қилишингиз мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1151-моддасига мувофиқ, агар меросхўрлар орасида турган жойи номаълум шахслар бўлса, қолган меросхўрлар, васиятномани ижро этувчи (мерос бошқарувчиси) ва нотариус уларнинг турган жойини аниқлаш ҳамда уларни ворисликка чақириш юзасидан зарур чораларни кўришлари шарт.

Агар турган жойи аниқланиб, мерос олишга чақирилган-у, лекин ҳозир бўлмаган меросхўр ушбу Кодекснинг 1147-моддасида назарда тутилган муддат ичида меросдан воз кечмаган бўлса, қолган меросхўрлар меросни тақсимлаш ниятлари тўғрисида уни хабардор қилишлари шарт. Агар ҳозир бўлмаган меросхўр хабар қилинган пайтдан эътиборан уч ой ичида қолган меросхўрларни меросни тақсимлаш ҳақидаги келишувида иштирок этиш истаги тўғрисида хабардор қилмаса, қолган меросхўрлар ҳозир бўлмаган меросхўрга тегишли бўлган улушни ажратиб, ўзаро келишувга кўра мерос тақсимотини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Агар ҳозир бўлмаган меросхўрнинг турган жойи мерос очилган кундан эътиборан бир йил мобайнида аниқланмаса ва унинг меросдан воз кечиши тўғрисида маълумотлар бўлмаса, қолган меросхўрлар мерос тақсимотини ушбу модданинг иккинчи қисми қоидалари бўйича амалга оширишга ҳақлидирлар.

Ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр бўлса, меросни тақсимлаш бундай меросхўр туғилганидан кейингина амалга оширилади.

Агар ҳомила ҳолида бўлган, бироқ ҳали туғилмаган меросхўр тирик туғилса, қолган меросхўрлар унга тегишли бўлган мерос улушини ажратган ҳолдагина меросни тақсимлашни амалга оширишга ҳақлидирлар. Мерос тақсимотида чақалоқнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун васийлик ва ҳомийлик идорасининг вакили таклиф этилиши лозим.

Саволларга ҳуқуқшунос
Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Mitti maslahat

ТАЪТИЛ ПУЛИ

у қандай тартибда тўланади?

Айрим ташкилот, корхона, муассасаларда ходимларга таътил пулини бериш тартибига амал қилмаслик ҳоллари учраб туради. Бу эса мавжуд қонун ҳужжатларини бузиш билан баробардир. Чунки Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Дж-08/243-сонли, «Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси»нинг 372-сонли, Меҳнат вазирлигининг 834-сонли буйруқлари билан 1999 йилнинг 7 майида келишилган ва тасдиқланган, Адлия вазирлиги томонидан 1999 йилнинг 14 июнида 746-сон билан рўйхатга олинган "Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг Намунавий қоидалари"нинг 4-бўлим, 4.19-бандига биноан ходимга таътилни бериш вақти тўғрисида унинг бошланишидан кўпи билан 15 кун олдин хабар берилиши, 4.20-бандига мувофиқ таътил учун ҳақ таътил бошланадиган кундан олдинги кунда тўланиши лозим.

Айрим ташкилот, муассаса, корхонанинг моддий аҳволидан келиб чиқиб, ходимга таътил бериш вақтида моддий ёрдам бериш амалиёти ҳам йўлга қўйилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, моддий ёрдам ҳар бир фуқаронинг моддий аҳволи даражасига қараб берилади. Шундай экан, ходимга моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилган ташкилот ушбу туркумдаги маблағларни ҳам ходим муҳтож пайтида бериши мақсадга мувофиқдир.

Эрмуҳаммад ШЕРМАТОВ

Taassuf

АДОЛАТ ВА ХОЛИСЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Натижада масъул идора раҳбарлари номига тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган 76 та тақдимнома киритилди. Шунингдек, 29 нафар мансабдор шахслар қонунбузилиш ҳолатига такроран йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди. Ҳокимлик, солиқ идоралари, тижорат банклари, назорат қилувчи ва бошқа идораларга нисбатан ижроси мажбурий бўлган 18 та ёзма кўрсатмалар киритилиб, улар ижроси тўлиқ таъминланди.

Кўрилган таъсир чоралар натижасида жами 141 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 13 нафари лавозимидан озод қилинди.

Каттақўрғон шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекциясида мониторинг ўтказиш йўли билан ўрганиш ўтказилганда, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг буйруғи билан Ингичка ТМТЭ корхонасида режали текшириш ўтказилганлиги, зарур ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлса-да, бироқ корхона раҳбарига Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда давлат рўйхатидан ўтказилган **«Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 31-банди талабларига риоя этилмасдан, Мувофиқлаштириш Кенгаши режа-жадвалидан кўчирма, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг буйруғи ва режа нусхалари тилхат асосида топширилмаганлиги маълум бўлди.

Бу қонунбузилиш ҳолати юзасидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси номига тақдимнома киритилди ва шу асосда Каттақўрғон шаҳар табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси нозири Э.Норқулов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Ҳокимлик, солиқ идоралари, назорат қилувчи ва бошқа идораларнинг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи, уларнинг маблағларини асоссиз жалб қилишга қаратилган ҳамда тадбиркорларни маъмурий ва молиявий жаримага тортиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, фермер хўжаликларига ер майдони ажратишда комиссиялар томонидан ноқонуний қабул қилинган жами 24 та қарор ва бошқа ҳужжатлар бекор қилиниб, тадбиркорлар фойдасига 73 миллион сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.



Жойларда ўтказилган мониторинглар натижасида қўпол қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган 6 нафар мансабдор шахс маъмурий, 4 нафар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан суд ва прокуратура идораларига таклифлар киритилиб, 4 нафар айбдор шахс маъмурий ҳамда 2 нафари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, Иштихон туманининг Ж.Маҳмудов номидаги ширкат хўжалигида яшовчи Т.Тонготаровнинг ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиясининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси ҳам ўрганиб чиқилди.

Буни қарангки, Т.Тонготаровнинг ўзи қайта ташкил этиш комиссиясига қалбаки ҳужжатлар тақдим қилган экан. Қонун қалбакиликни кўтармайди. Бу ҳақда тўпланган ҳужжатлар тегишли чора кўриш учун вилоят прокуратурасига юборилгач, Т.Тонготаровга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. Мазкур жиноят иши судда кўриб чиқилиб, Т.Тонготаров Жиноят кодексининг 228-моддаси, 1 -қисми билан айбли деб топилиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 55 баробари миқдорида жаримага тортилди.

Адолат ва холислик қонун устуворлигининг асосий мезони. Мезон бузилишига эса қонун йўл бермайди. Барпо этилаётган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятида тадбиркорлик тараққиёт таянчи, унинг манфаати ҳамиша қонун ҳимоясида эканлигини ҳеч ким унутмаслиги керак.

Жамшид СУБҲАНҚУЛОВ,
Сармарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Tahlil va saboq

ҚОНУН – ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳисобот даврида вазирликка 72 та ариза келиб тушди. Бу аризаларнинг аксарияти тадбиркорлик ва солиққа оид қонунбузилишлар, ер ҳамда кредит ажратиш муаммолари хусусида. Масалан, Нукус шаҳридаги «Ойдин йўл» бозорида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг аризасида бозор ҳудудидаги асосий савдо биносининг биринчи қаватида жойлашган савдо расталари бозор маъмурияти томонидан бузиб ташланиб, улар ўрнига тегишли тартибда ҳужжатлаштирилмаган 16 та янги дўконча қурилгани таъкидланади. Енгин хавфсизлиги бошқармасининг маълумотларига кўра, бозор ёнғин ўчирувчи воситалар билан таъминланмаган, мавжуд 7 та эвакуация эшикларининг 3 таси тўсиб қўйилган.



Вазирлик номидан киритилган тақдимномаларда ушбу ҳолатлар тўлиқ акс эттирилди, «Ойдин йўл» бозори акциядорлик жамияти бошлиғининг ўринбосари А.Аҳмедовга ҳайфсан эълон қилинди. Шундан сўнг камчиликлар бартараф этилиб, тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Ҳисобот даврида Шуманай Мўйноқ, Кўнғирот, Қонликўл ва Тахтакўпир туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари фаолияти ўрганиб чиқилиб, бир нечта ҳолатда турли хил қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланди. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган **«Шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциялари тўғрисида»**ги Низомда янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини **«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»** билан таъминлаш инспекциянинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Лекин, афсуски, Шуманай туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 141 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинганига қарамай, уларнинг атиги 27 таси **«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»** билан таъминланган.

Тадбиркорлик субъектларига лицензия ва бошқа турдаги рухсатномаларни беришда ҳам шундай қонунбузилиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Афсуски, ҳануз рухсатномалар беришда ортиқча ҳужжатларни талаб қилиш, юридик шахсдан чакана савдо учун маблағ ундириш каби ноқонуний хатти-ҳаракатларга бутунлай чек қўйилмаяпти. Хусусан, Мўйноқ тумани ҳокимлиги 35 та тадбиркорлик субъектларига чакана савдо фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома беришда ўн бешта қарор чиқарган. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг **«Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»**ги Низомга кўра, тадбиркорлик субъектларига чакана савдо фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома берилишида ҳеч қанадай қарор чиқарилмайди. Йўл қўйилган ноқонуний хатти-ҳаракат учун туман ҳокими ўринбосари Ж.Ажиниёзовга интизомий жазо чораси қўлланилди, туман прокурори протести асосида ҳокимлик қарорлари бекор қилинди.

Текширишлар жараёнида баъзи жойларда Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони талабларига тўлиқ амал қилинмаётгани, тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисоб варақлари бўйича операциялари асоссиз равишда тўхтатиб қўйилаётгани маълум бўлди. Шуманай туман давлат солиқ инспекциясининг 919-хатига асосан, «Пахтабанк»нинг туман бўлими томонидан «Шуманай», «Абдуллаев», «А.Мусаев» муқобил машина-трактор парклари, «Шуманай», «Козоков» биолабораторияларининг ҳисоб варақлари бўйича операциялари тўхтатиб қўйилган. Ваҳоланки, юқоридаги Фармонга кўра, ҳисоб варақлари операциялари фақат суд қарори билан тўхтатилиши мумкин.

Қонунни билмаслик ёки эътиборсизлик доимо панд беради. Ўтган ярим йил давомида 92 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларини ноқонуний тарзда маъмурий жавобгарликка ва 4 та ҳолатда молиявий жазога тортиш ҳолларига йўл қўйилгани аниқланди. Бу ҳақда тегишли идораларга 17 та тақдимнома киритилиб, саккиз нафар масъул шахсга интизомий жавобгарлик эълон қилинди, 17 та маъмурий ишлар бўйича чиқарилган қарор бекор этилди ва ноқонуний асосда ундирилган пул маблағлари тадбиркорларга қайтариб берилди. Масалан, Мўйноқ туман статистика бўлими томонидан «Парвоз» фермер хўжалигига тегишли миқдорда жарима солинган. Лекин жарима 8 ойдан сўнг ундирилган. Қоидага кўра эса, маъмурий жазо қарор қабул қилинган кундан бошлаб 3 ой давомида ижро этилмаган бўлса, ижрога йўл қўйилмайди.

Таҳлиллардан маълум бўлишича, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарорида белгиланган тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби ҳам айрим туман ҳокимликлари томонидан бузилган. Хусусан, Шуманай туман ҳокимининг турли саналардаги қарорлари билан «Қувониш», «Убайдулла ота Мамутов», «Султон», «Берик», «Инъом», «Мавлон ота» фермер хўжаликлари, «Мелисио», «Қоплон-ЛТД» корхоналари, 2004 йил 12 февралдаги 43-2-сонли қарори билан бир йўла 33 та фермер хўжалиги, 2004 йил 19 апрелдаги 129-4-сонли қарори билан 13 та тадбиркорлик субъектлари тугатилиб, рўйхатдан ўчирилган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли идораларга тақдимномалар киритилди ва прокурор протестига асосан, туман ҳокимининг қарорлари бекор қилинди.

Қонун — фаолият мезони. У оддий фуқародан тортиб, раҳбаргача бир хил талаб қўяди. Бу талабларни унутиш эса кишига обрў келтирмайди.

Давлатбой ХОЛМУРОТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири

E`tirof

НАҚАДАР СУРУРБАХШ ҲУРЛИК ШУКУҲИ

Одам боласининг умри, унинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури, моҳиятан ҳурмат-эътиборга лойиқ. Аммо ўтмишга назар ташласак, бу муқаддас тушунчалар ҳаётда ҳеч қачон ўз-ўзидан қарор топмаганига гувоҳ бўламиз. Аниқроқ айтганда, бу дунёда одамнинг одамдек яшаши, ўзининг яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариши, бир сўз билан айтганда, ўтаётган умридан рози бўлиши энг аввало, унинг нечоғлик эркин ва озод эканига боғлиқ.

Бунинг ёрқин мисолини кейинги ўн беш йиллик ҳаётга назар ташлаб ҳам билиб олиш мумкин.

Айтмоқчимизки, она-Ватанимиз мустақиллиги бизга энг аввало, одамдек яшаш, меҳнат қилиш, қадриятларимизни эъзозлаш, ўтмиш тарихга ҳурмат кўрсатиш имконини берди. Энг асосийси, юртимизда ҳар бир соҳада олиб борилаётган қўламли ислоҳотлар замирида биринчи навбатда инсон манфаатлари мужассам эканининг ўзиёқ кишини шубҳасиз, қувонтиради, эртанги кунимиз янада ёруғ бўлишига ишонч уйғотади.

Қуйида эълон қилинаётган юртдошларимизнинг эътирофларида ҳам бу фикр ўзининг ёрқин ифодасини топган.

ИСТИҚЛОЛ ОЛДИДАГИ БУРЧ

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети катта ўқитувчиси

Мен дунё харитасида ўз ўрнига эга бўлган жонажон Ўзбекистоннинг давлат байроғи БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар бинолари олдида ҳилпираб турган ҳар бир кунни – асрга татигулик кун, дегим келади.

Улуғ она тилимиз давлат тили сифатида ижтимоий-сиёсий воқеликка айлангани беқиёс воқеадир.

Буюк бобокалонларимиз Имом Бухорийдан тортиб Соҳибқирон Амир Темур ва ул зотнинг авлодлари орасидан етишиб чиққан буюк сиймолар, бугунги дориламон кунларни кўриш орзусида армон билан кетган юзлаб алломалар, ватанпарварларнинг пок номлари тикланиб, тарихимиз саҳнасида муносиб ўрнини топганлари ҳам биз учун оламшумул ҳодисадир.

Миллий, диний қадриятларимизнинг қадр топиши – ўзлигимизни англашда беқиёс замин бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иқтисодий тараққиёт деганда, мен аввало, ўз донига – беминнат нонига эга бўлишни тушунардим. Галла мустақиллигига эга бўлган юртимизда ҳар йили миллионлаб тонна буғдой етиштирилишини, уларни ўз тегирмонларимизда, замонавий технологияларга эга бўлган корхоналаримизда қайта ишлашни ўн беш-йигирма йил илгари ҳатто тасаввур ҳам эта олмасдик.

Бугун ер ҳақиқий хўжайини – деҳқонларга қонунлаштириб берилган! (Узр, шу ўринда айтиб ўтмасам бўлмайди. Биз болалик чоғларимизда мустабид тузумнинг зуғумларини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. «Пахта – сиёсат!» деган гапга зўр берилиб, томорқамизнинг «ортиқча»сига зўравонлик билан чигит экишар, бир-иккитадан «зиёд» қорамолларимизни колхоз фермасига «мусодара» қилишарди). Бугунги кунда кучинг етганича ерга эгалик қил, чорва молларини кўпайтир! Бу борада давлат ўзи қўллаб-қувватлаётганини ҳам энг катта ўзгариш сифатида эътироф этиш жоиз.

Миллий валютамиз – сўмнинг муомалага киритилгани ҳам катта воқеа.

Компьютер мўъжизаси ўтган асрнинг ўрталаридаёқ қатор ривожланган давлатларнинг янада тараққий топишига хизмат қилаётган бир паллада уни собиқ иттифоқ корчалонлари ҳудудимизга ҳатто яқин йўлатмаганини ҳам истиқлолдан кейин билдик. Биз талаба бўлган саксонинчи йилларда бу илғор техникани тасаввур ҳам эта олмасдик. Бугунги ҳаётимизни эса компьютерсиз тасаввур эта олмаяпмиз.

Ўзбекистонда енгил машиналар ишлаб чиқарилишини ҳам ақлимизга сиғдира олмасдик. Бугун кўчаларимиз «Нексия», «Матиз», «Дамас», «Тико» ва «Ўзотайўл» каби замонавий машиналаримиз билан тўлиб кетди. Ҳатто хорижда юксак баҳоланаётган машиналаримизни – истиқлол ифтихорлари, дегим келади.

Оққан дарёлар оқишини кўряпмиз. Аждодларимиз ҳайратомуз бинолар бунёд этиб, жаҳонни лол қолдиришган бўлса, бугунги авлодлар яратаётган замонавий бинолар ҳам улардан қолишмаяпти! Равон йўлларнинг адоғига, кўприкларнинг саноғига етишга қийналасиз. Тошкент ва бошқа шаҳарлар қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳозир қайси шаҳар ё туманга борманг, чинакам бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзингиз қувонади.

Спорт оламида Рустам Қосимжонов, Артур Григорьян, Муҳаммадқодир Абдуллаев сингари юзлаб оловқалб йигитларимизнинг жаҳон шоҳсупасида юртимиз байроғини ҳилпиратганини тарихий воқеа сифатида эъзозлайман.

Очиғи, юртимиз истиқлолга эришганидан буён юз кўрсатган улуғвор ўзгаришларнинг санаб саноғига етиш қийин...

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, истиқлол бизга эркин яшаш, ҳур фикрлаш, қай соҳада фаолият юритмайлик, ўз ижодий қобилиятимизни намоён этиш имконини берди. Ўз навбатида биз — Ўзбекистон дея аталмиш озод юртнинг фарзандлари Ватан мустақиллигини кўз қорачиғимиздай асраб-авайлашга бурчлимиз!

ҚАДР ЮКСАЛГАН ЗАМИН

Заҳро НАЗАРОВА,
Тошкент Ислом университети 1-босқич аспиранти

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида юз кўрсатган энг муҳим ўзгаришлардан бири — маънавий янгиланиш, кишилар онги, тафаккури ва дунёқарашининг бойиб, кенгайиб бораётганлиги ҳамда эркинлик касб этганлигидир. Хусусан, ёшларимизнинг эл-юрт, халқ, миллат ва ватан манфаатларини англаш, унинг шон-шавкатини янада ошириш, илму фани ва маданияти ҳамда санъатининг гуллаб-яшнаши, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, ўтмишни, аждодларнинг бой меросини, тарихи, дини ва қадриятларини ўрганиш борасидаги фаолиятлари кишини қувонтиради. Менингча, булар мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган энг катта ўзгаришларнинг бир қисми, холос.

Ҳар қайси мамлакатнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади. Шу боис ўтган давр ичида ислоҳотлар узвийлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар ичида оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ҳужжатлар энг муҳимлари, деб ўйлайман. Хусусан, 1995 йил март ойидаги **«Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги, 1999 йилдаги **«Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Президент Фармонлари ҳамда **«Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»**ги қонун шулар жумласидандир.

Улуғ неъмат — мустақиллик бизга миллий маънавиятимизни, демакки, ўзлигимизни қайтариб берди. Маълумки, мустабид тузум даврида халқимизнинг бебаҳо қадриятлари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тазйиқларга учради. Фақатгина истиқлол шарофати билан халқимиз қадр-қиммати улуғланди, шу билан бирга муқаддас динимиз, бой маънавий меросимиз қайта тикланди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1999 йили Ўзбекистонда Марказий Осиёда ягона Тошкент Ислом университети ташкил этилиши бу фикрнинг тасдиғидир. Менга ушбу университетнинг қалдирғоч талабаси бўлиш насиб этди.

Буларнинг бари тенгдошларимнинг, қолаверса, барча юртдошларимизнинг зиммасига улкан масъулият юклашини унутиб қўймаслик керак. Яъни биз — барчамиз Ватан ободлиги йўлида бир жон, бир тан бўлиб хизмат қилишимиз лозим бўлади.

Istiqlol va imkoniyat

АМНИСТИЯ – БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

1994 йил 19 август

Мустақилликнинг уч йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Президент Фармонида бир неча тоифадаги маҳкумлар, жумладан, вояга етмаганлар, аёллар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва ногиронлар, биринчи марта атай жиноятга қўл уриб 3 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар муддатидан илгари озодликка чиқарилиши қайд этилди. Улар қаторида эҳтиётсизлик туфайли қилган жинояти учун 5 йилгача озодликдан маҳрум этилганлар ҳам бор.

1995 йил 3 май

Президентимизнинг **«Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»**ги Фармонида уруш қатнашчилари, Чернобил АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар, аёллар ва вояга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар, ногиронлар муддатидан илгари жазодан озод қилиниши таъкидланди. Ушбу Фармонда, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлари учун ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг яримини ўтаб бўлган, биринчи марта қасддан жиноят қилиб, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва тайинланган муддатнинг камида ярмини ўтаб бўлган шахслар жазодан озод қилинди ва жазо муддатининг ярмини ўтаган айрим тоифадаги маҳкумларга қатор енгилликлар берилиши қайд этилди.

1996 йил 7 август

Мустақилликнинг беш йиллиги муносабати билан эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Президент Фармонида озодликдан маҳрум этилганларнинг қуйидаги тоифалари: уруш иштирокчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашганлар, аёллар, вояга етмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, биринчи марта уч йилгача озодликдан маҳрум этилган шахсларни, биринчи марта беш йилгача озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаган маҳкумларни, эҳтиётсизлик орқасида жиноят қилгани учун ўн йилга қадар муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган ва белгиланган жазо муддатининг камида ярмини ўтаган шахсларни жазодан муддатидан илгари озод этиш назарда тутилди. Шунингдек, Фармон кучга киргунга қадар жиноят содир этиб, иши терговда кўрилаётганларга муайян енгилликлар берилди.

(Давоми бор)

Абдумўмин ҚУЛТЎРАЕВ
тайёрлади

Huquqiy ma`rifat

ТАРҒИБОТНИНГ САМАРАСИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самарали кечишида тарғибот ва ташвиқот ишларининг аҳамияти катта бўлаётир.

Давлатимиз раҳбарининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислоҳотлар моҳиятини аҳолининг чуқур англаб етишига ҳар томонлама қўмаклашиш борасидаги вазифаларни аниқ белгилаб берди.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида 27 мингга яқин тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Ишбилармонлардан эса, ҳуқуқий билим, малака талаб этилиши ўз-ўзидан аён. Акс ҳолда, билиб-билмай маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноий хатти-ҳаракатларга ҳам йўл қўйилиши мумкин.

Ўтган бир ярим йил ичида вилоятдаги ширкат хўжаликлари негизида 17 мингга яқин фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бундан хулоса шуки, тадбиркорлик, айниқса, фермерлик ҳаракати қатнашчиларини ҳуқуқий билимлардан кўпроқ баҳраманд этиш бугунги куннинг долзарб вазифаси саналди.

Тарғибот ишларида судлар фаолияти катта самара бераётир. Турли йиғин ва анжуманлар, суҳбатлар, очиқ ва сайёр суд мажлислари ҳуқуқий маърифатнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида жиноят ишлари бўйича вилоят, шаҳар ва туман судларининг масъул ходимлари аҳоли билан 311 марта йиғилиш, учрашув, семинар, давра суҳбатлари ўтказиб, қонунчилигимизнинг долзарб масалалари хусусида чиқишлар қилишди ва саволлар, талаб ва таклифларга батафсил жавоб беришди. Оммавий ахборот воситаларида чоп этилган юзга яқин мақолаларда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб берилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 1 августдаги **«Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 2005 йил 8 августдаги **«Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»**ги Фармонлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Шуни эътиборга олиб, давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонларини ҳар томонлама тушунтириш, тарғиб қилиш юзасидан алоҳида режа тузилди ва шу режа асосида ҳозиргача фуқаролар билан 63 маротаба учрашув ва мулоқотлар ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида суд ходимларининг ўндан ортиқ мақолалари эълон қилинди.

Ҳуқуқий онг ва дунёқарашни юксалтиришда амалий-маърифий тадбирларнинг таъсири катта бўлди. Маълумки, кейинги йилларда жиноий хатти-ҳаракатлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган жазо чоралари сезиларли даражада енгиллаштирилди. Бу ҳолатлар жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг айрим турлари кўпайишига олиб келиши ҳам мумкин эди. Аммо бундай бўлмади. Аксинча, ижобий ҳолатлар юз берди. Биргина такрор содир этилган жиноятларни олиб кўрганимизда, муқаддам жазоланган ва озодликдан маҳрум қилинганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони вилоят бўйича 2003 йили 0,3 фоизга, 2004 йили 5 фоизга, 2005 йили 6,5 фоизга, 2006 йилнинг биринчи ярмида 9 фоизга камайган. Шу муддат ичида ярашганликлари туфайли жазодан озод этилган 1700 кишидан бирортаси такроран қонунбузарликка қўл урмаган. Бу каби ижобий ҳолатлар ҳам таъсирчан ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотнинг самарасидир.

Султонмурод ХЎЖАМУРОДОВ,
Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг раиси
Абдулла СОБИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Sharhlovchi minbari

ҒАРБЧА «ДЕМОКРАТИЯ»

У нималарда намоён бўлмоқда?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Дунёнинг баъзи давлатлари, арбобларининг демократия борасида ваъз айтиши, Шарқда бўлаётган воқеаларни талқин қилиши кишини таажжубга солади. Дарвоқе, инсон ҳуқуқларини қарор топтириш кўчага чиқиб тўс-тўполон қилиш ёки одобсизликка эрк бериш билан эмас, балки ҳақиқатга тик қараш ва ҳақ сўзни айтиш орқали таъминланади.

Яқинда хориж оммавий ахборот воситаларидан бирида «янги» хабар ўқиб қолдим. Унда айтилишича, бутун жаҳонда ўзига маъқул тартиб ўрнатишни даъво қилаётган давлатлардан бири Марказий Осиёдаги мамлакатларга мустаҳкам демократик институтларни ташкил этишда ёрдам кўрсатишга қарор қилибди. Бу ёрдам мазкур мамлакат уларнинг энергетика ресурсларини экспорт қилишда ҳамда хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали амалга оширилар экан. Шу йўл билан гўё бу минтақа муаммолардан халос этилармиш. Демократик институтларни ривожлантириш эса халқ турмуши фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиларми.

Ажабо, Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг энергетика ресурслари, хавфсизлиги ва демократик институтлари ҳақида қайғураётганлар бу минтақадаги халқларнинг миллий, диний ва маънавий қадриятларига қандай муносабатда бўлишаркин?! Албатта, дастлаб бу қадриятларнинг демократия билан уйғунлигини таъкидлашга уринишади. Бунда, аввало, ёш авлодни йўлдан оздиришга умид боғлашади. Бироқ улар бизнинг ҳозирги ёш авлод ота-боболари динига, ўз миллий қадриятларига ва маънавиятига ҳеч қачон хиёнат қилмаслигини билишармикан? Ишонч билан айта оламизки, ёшлар ҳам, катта ёшдагилар ҳам хиёнат қилишмайди. Чунки бизнинг халқимиз коммунистик васваса авж олиб, атеизм ҳукм сурган пайтда ҳам ўзлигини, азиз-авлиёсию буюк алломасини, исломий қадриятлари-ю урф-одатларини унутмаган. Барча даврларда ҳам биз ўзбек бўлиб келганмиз ва бундан кейин ҳам ўзбеклигимизча қоламиз. Биз ҳамиша ўз маънавий қадриятларимизни қадрлаганмиз, сўзсиз, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Биз «демократия» деганда ўзгалар ўйлаб топиб, бошқаларга тиқиштираётган сунъий турмуш тарзини эмас, балки инсоннинг онгли эркинлигига, ҳар бир миллатнинг ўз миллий, диний ва маънавий қадриятларига, тўғрилик ва ҳақиқатга асосланган турмуш тарзини тушунамиз. Мустақил Ўзбекистонимиз шу йўлдан бораяпти. Бу йўл эса халқимизнинг хоҳиш-иродасига айнан мос. Рўза тутгансан, деб сув ичиришган, масжидга боргансан, деб ишдан бўшатишган, худойи қилибсан, деб партиядан ўчиришган, дўппи кийибсан, деб йиғилишдан ҳайдашган даврни ҳали унутганимиз йўқ. Инсонга севган ишида ишлаб, фарзандлари камолини кўриб, тинч ва хотиржам яшашдан ортиқ бахт борми? Йўқ! Биз ҳозир шундай бахтга эришдик. Иншоолло, аста-секин бахтимиз бундан баркамол бўлиб бораверади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

XXI АСР НАФАСИ

ВАҚТ САДДАМГА ҚАРШИ

Шу кунларда Ироқ Олий суди Саддам Ҳусайнга қарши қўзғатилган жиноят ишининг 1988 йилда мамлакатда исқомат қилувчи курдларга нисбатан ўтказилган қатағонга оид қисмини кўришни бошлайди.

Маълумотларга қараганда, 1988 йилда «Ал-Анфал» номи билан ўтказилган ҳарбий операциялар чоғида мамлакат шимолида жойлашган 4500 дан зиёд қишлоқ аҳолиси қирғин қилинган.

Бугун ўша йилларда «Ал-Анфал» операциясига етакчилик қилган собиқ диктаторнинг қариндоши Али Ҳасан Ал Мажид ҳам суднинг қора курсисидан жой олган.

Мудҳиш қатағоннинг гувоҳи бўлган Сусанан қишлоғида яшовчи Атийя Рада ўша кунларни шундай хотирлайди;



–Бутун-бутун қишлоқлар аҳолиси жон ваҳмида кимёвий қуроллар пуркаётган ўлим газидан қочиб қутулишга уринарди. Менинг назаримда, ўшанда мудҳиш қатағондан қутулиб қолишга муваффақ бўлганлар ҳам узоқ яшашмади. Уларнинг фақатгина суратлари қолган...

Умуман олганда, Саддам Ҳусайннинг жиноят ишидан ўрин олган ҳар бир ҳолат юзасидан унга ўлим жазоси бериш мумкин. Буни собиқ диктаторнинг ўзи ҳам яхши билади. Шунинг учун ҳам унинг суд жараёнини чўзиш йўлидаги ҳар бир ҳаракатини ҳуқуқшуносслар «Саддам вақтдан ютишга ҳаракат қилаяпти», деб баҳолашмоқда. Вақт эса Саддам Ҳусайннинг хоҳиш-иродасига кўра бир жойда қотиб тура олмайди.

МИСРДА ПОЕЗД ҲАЛОКАТИ

Душанба куни эрталаб соат еттида Миср пойтахти Қоҳирадан 20 километр шимолда жойлашган Кальюб шаҳрида бир йўналиш бўйича ҳаракатланаётган икки йўловчи поезди тўқнашиб кетди.

Миср Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили Абдул Раҳмон Шаҳин мамлакатнинг «Нил» телеканали журналистларига берган интервюсида ҳалокат натижасида 51 нафар фуқаро қурбон бўлгани ва 138 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олганини таъкидлади. Миср ҳукумати вакили Магди Ради эса журналистлар билан учрашув чоғида «ҳали қурбонлар ва жароҳат олганлар ҳақидаги

маълумотлар тўлиқ эмас»лигини таъкидлаб, қурбон бўлганлар ва тан жароҳати олганларнинг рўйхати оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини маълум қилди.

Мамлакат прокуратураси юз берган ҳалокат сабабларини ўрганиш юзасидан текширув ишларини бошлаб юборди.

БУЮК БРИТАНИЯ АЙБДОРМИ ЁКИ...

Исроил ҳарбийлари Ливаннинг «Ҳизбуллоҳ» жангарилари гуруҳи кўмондонлиги жойлашган ертўлалардан биридан Буюк Британияда ишлаб чиқарилган тунги кўриш мосламаларини топишди. Исроил ҳукуматининг Буюк Британия Ташқи Ишлар вазирлигига юборган сўровномасидан сўнг британияликлар 2003 йилда Эронга 250 та ана шундай мослама сотгани маълум бўлди. Эрон томон эса бу тунги кўриш мосламаларини Афғонистон чегараларидан гиёҳвандлик моддаларини олиб ўтишга уринувчиларни қўлга олиш мақсадида харид қилган.

Расмий Тель-Авив вакиллари Эронга сотилган тунги кўриш мосламалари қандай қилиб жанубий Ливан ҳудудида пайдо бўлиб қолгани билан қизиқишмоқда.

Интернет материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади

Оила ҳар биримизнинг ҳаётимиз мазмуни саналади. Чунки одам боласи аввало оилада дунёга келади, ўсиб-улғаяди, вояга етади. Унинг дунёқарашининг шаклланиши, оламни англаши, орзу-умидларининг қанот ёйишида, ҳеч шубҳасиз, оилавий муҳитнинг таъсири чексиздир. Оиладаги барқарор муҳит, ота-она, фарзандларнинг ўзаро аҳил-иноқлиги, бир-бирига меҳр-муҳаббати барчанинг ҳавасини келтириши табиий. Ота-она қаттиққўл, айни пайтда болаларига ғамхўр ва меҳрибон бўлса, уларнинг мурғак қалбига эзгулик уруғини қадаса, келгусида фарзандлар баркамол бўлиб вояга етади. Ахир, донишмандлар ҳеч қайси ота-она фарзандига яхши хулқ-атвор ва мукаммал тарбиядан ҳам қимматлироқ бойлик қолдирмайди, деб бежизга айтмаган. Бу ҳикмат замирида катта маъно-мазмун мужассам.

Jinoyat va jazo

ШИША ИЧИДАГИ ОҒУ

Суд очерки

Биз бугун оила, ундаги тарбия муҳити ҳақида бежиз гап очмадик. Нега деганда, оилада фарзанд тарбиясида бўшлиқ юзага келиши, бу борада йўл қўйилган эътиборсизлик ва лоқайдлик эртами-кечми, барибир ўз таъсирини кўрсатади. Бир мисол. Жиноятга қўл урган баъзи ўспиринларнинг яшаш тарзи, оилавий муҳити билан танишсангиз, улар аввало, оилада тузук-қуруқ тарбия кўрмагани, ота-онанинг ўзи тарбияга муҳтож бўлганига ишонч ҳосил қиласиз.

Вобкент туманидаги Имомқозихон қишлоғида Тош ака Рамазонов оиласини ҳамма яхши билади. Бахтиёр Рамазонов ҳам шу оилада туғилиб, вояга етди. У вақти келиб оила қурди, бола-чақали бўлди. Синглиси Муқаддас эса тақдир тақозоси билан Қарши шаҳрига келин бўлиб тушди.

Бир қарашда, ота-онанинг барча орзу-умиди ушалган, фарзандлари ҳаётда ўз ўрнилари топиб кетишган эди.

Қисқаси, шу йил 4 март куни Бахтиёр бошчилигида қариндош-уруғ, ака-укалар Муқаддаснинг уйига меҳмонга борадиган бўлишди. Ҳамқишлоқлари Сайфиддин Раҳматовдан илтимос қилишганди, у «Форд» русумли «20 О 93-92» давлат рақамли хусусий автомашинаси билан меҳмонларни Қарши шаҳрига олиб бориб келишга рози бўлди.

Ўша куни яқинлари меҳмонга келганини кўриб Муқаддаснинг ҳам қувончдан боши осмонга етди. Меҳмонлар шарафига тўкин дастурхон ёзилди. Зиёфат қуюқ бўлди. Бир-биридан баландпарвоз қадаҳ сўзлари айтилди. Бахтиёрнинг ҳам кайфияти яхши эди, шу боисми у бирорта қадаҳни қайтармай ичди, ичаверди. У гўё ўзи истаб ақлдан озаётгандай, чанқоғини сув билан эмас, ароқ билан қондираётгандек ютоқиб ичарди.

Даврадагилар ҳам унинг раъйини қайтаришмади, ҳарқалай меҳмон, иззатини қилиш керак, дея кўнглига қарашди.

Улар меҳмондорчиликдан уйга қайтишганда қош қорайиб қолган эди. Бахтиёр хурмачаси тўлганча ичганидан оёқда базўр турар, кўзлари ўз-ўзидан сузилиб-сузилиб борарди. Бироқ шунга қарамай, у ҳамқишлоғи Сайфиддинни ҳоли-жонига қўймай уйига бошлаб кирди.

Кейин эса мен билан бирга ароқ ичасан, деб туриб олди. Сайфиддин узр сўраб, бир пиёла чой ичди-ю, уйига равона бўлди.

Ичкилик ёмон иллат, у ҳар қандай одамни жазавага солиб, йўлдан адаштириши, енгилтак, тубан қўйга солиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Бахтиёр ҳам худди шундай ҳолга тушган эди. Сайфиддин ҳовлидан чиқиб кетгач, у негадир кутилмаганда ғазаби қўзиб, қўлига пичоқни олди. Унинг хаёлида аллақандай мудҳиш ўй-фикрлар айланар, кимдандир аламини олишни истарди. У ақл-ҳушини йўқотиб, юраги жаҳолатга тўлиб турган пайтда кутилмаганда кимдир дарвозани тақиллатиб қолди.

Шу ўринда воқеага ойдинлик киритиш мақсадида кичкина изоҳ бериш жоиз. Гап шундаки, Бахтиёрнинг укаси Эркин Қоровулбозор туманида яшарди. Айни шу 4 март куни унинг уйига хотинининг укаси Дилшод меҳмонга келган эди. Дилшод уйга қайтаётганда Эркин укаси Баҳодирга бир гапни айтиб қўйишни тайинлади. Шундан сўнг Дилшод уйга келгач, поччасининг қарз гапини етказиб қўйиш мақсадида акаси Қаҳрамон билан ҳамқишлоғи Абдулла Раззоқовнинг енгил машинасида Имомқозихон қишлоғига йўл олишган эди.

(Давоми тўртинчи бетда)

«Huquq va burch» tanloviga

ОТАЛИК МАРТАБАСИ

у қанчалик юксак бўлса, шунчалик масъулиятли ҳамдир

Аввалига Расулжон ва Адолатхон бир-бирини эъзозлаб, тинч-тотув ва аҳил ҳаёт кечиришди. Уларга ҳамманинг ҳаваси келарди. Айниқса, тўнғич фарзанд дунёга келгач, оилага янада файз кирди. Улар болага яхши ният билан Илҳом, дея исм қўйишди.

Шундан сўнг орадан еттисаккиз йил ўтди. Бу давр мобайнида оилада яна икки фарзанд туғилди. Бироқ шундай аҳил оилага кўз тегдими, ҳар қалай, эр-хотиннинг боши жанжалдан чиқмай қолди. Аниқроқ айтганда, Расулжоннинг ноўрин рашк қилиши туфайли оиладан файз кўтарилди.

— Бағримда уч болам борку?! Мен хиёнатдан ҳазар қиламан, ахир, — дерди Адолат ҳар гал эрининг туҳматидан дили хуфтон бўлиб.

Бироқ рашк ўти кўзини кўр, қулоғини кар қилиб қўйган Расулжон ўз билганидан қолмади...

Охир-оқибат Адолат эри билан ажралиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Суд А.Қўлдошеванинг аризаси юзасидан тўпланган ҳужжатлар билан батафсил танишиб, тарафларнинг кўрсатмаларини тинглаб, эр-хотин ўртасидаги никоҳни бекор қилиш ва Расулжондан ҳар бир фарзандининг моддий таъминоти учун энг кам ойлик иш ҳақининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Ҳамма машмаша ана шу ажримдан сўнг бошланди. Гап шундаки, суднинг мазкур қарори 2003 йилнинг 20 январида қабул қилинганди. Шундан сўнг Расулжон ўша йилнинг 1 майига қадар 16.000 сўм алимент пули тўлади. Кейин эса ўғилларининг моддий таъминоти отанинг «хаёлидан кўтарилиб» қолди.

Табиийки, эрининг бу ноҳақлиги Адолатни қийин аҳволга солиб қўйди. Адолат бу хусусида суд ижрочиларининг туман бўлинмасига мурожаат қилди. Шунга кўра, суд ижрочилари Р.Қўлдошевни фарзандларига алимент пулларини ўз вақтида, белгиланган миқдорда тўлаш, акс ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида бир неча марта огоҳлантиришди. Бироқ Расулжон буни парвойига ҳам келтирмади, у 2004 йилнинг 1 июнига қадар, яъни 13 ой давомида фарзандларини моддий таъминлашдан бош тортиб юрди.

Натижада унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди ўзининг 2004 йил 9 августда бўлиб ўтган суд мажлисида унга икки йиллик ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлаб, ўтган вақт мобайнида тўланмаган алиментни ундириш юзасидан ҳукм чиқарди. Аммо...

Гап шундаки, Р.Қўлдошев суддан сўнг қарзининг бор-йўғи 30.000 сўмини тўлаганини айтмаса, у яна бир йил давомида ўз билганидан қолмади. Оқибатда «ота»нинг алимент пулларидан қарзи 2005 йилнинг 17 июнь ҳолатига кўра, 127.533 сўмга етди. Шундан сўнг суд ижрочилари алиментни ундиришни Расулжоннинг мол-мулкига қаратиб, шу мақсадда холислар — Жамшид Деҳқонов, Лазизбек Алихўжаев ва маҳалла фуқаролар йиғини раиси Акрамжон Зулфиқоров билан бирга унинг хонадонига келишди. Адолат ва унинг опаси Мақсудахон ҳам улар билан бирга эди. Ижрочилар тегишли ҳужжатлар билан жавобгарни таништириб, унинг мулкий аҳволини кўздан кечирмоқчи бўлишди. Лекин хотини ва қайинопасига кўзи тушиб, Расулжоннинг авзойи бирдан бузилди ва у важоҳат билан суд ижрочисининг йўлини тўсди-да, уни туртиб-суртиб кўчага ҳайдаб чиқарди. Бу ҳолни кузатиб турган Ж.Деҳқонов эса уларни ажратишга тушди. Шунда Расул ҳали қурилиши тугалланмаган уйга кирди-да, зум ўтмай у ердан ўткир тиғли болтани кўтариб чиқди...

Бу воқеадан сўнг Р.Қўлдошевга нисбатан иккинчи марта жиноят иши қўзғатилди. Ўз хонадонида ҳокимият вакили бўлган суд ижрочисининг хизмат вазифасини бажаришига қаршилик кўрсатгани сабабли у Жиноят кодексининг 219-моддаси, 2-қисми билан айбдор, деб топилди. Суд ҳукмига биноан унга уч йиллик ахлоқ тузатиш жазоси тайинланиб, тўланмаган алимент пуллари ундириладиган бўлди.

Бироқ Расулжоннинг кўзи бу сафар ҳам очилмаган экан. Чунки у қонунга итоатсизлигини давом эттириб, энди жазони ўташдан бўйин товлади. Яъни, судланувчи туман ИИБ томонидан жазони ўташ тартиби ва қоидалари билан таништирилган ва унга шу йилнинг 15 январдаги 114-сонли хат билан «Қўқон» ширкат хўжалигида ишлаш учун йўлланма берилганди. Лекин осойишталик посбонларининг қайта-қайта огоҳлантиришларига қарамай, у бирор марта ҳам ширкат хўжалигига иш сўраб, мурожаат қилмади.

Шундан сўнг Фурқат тумани ИИБ Р.Қўлдошевга нисбатан тайинланган жазони ўзгартириш юзасидан жиноят ишлари бўйича туман судига тақдимнома киритди. Суд мазкур тақдимномани тўлиқ қаноатлантириб, судланувчига тайинланган жазони 3 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Халқимизда ота бўлиш осон, оталик қилиш қийин, деган гап бор. Бу оталик бурчини ҳамма ҳам эплай олмаслигига ишорадир. Чиндан ҳам, бугун Р.Қўлдошев сингари турмушидан ажралиб, вояга етмаган фарзандлари таъминотини «унутиб» қўяётган ёки фарзандлари ўз бағрида бўла туриб, уларга тўғри тарбия бера олмаётган, тўғрироғи, фарзанд тарбияси ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайдиган оталар ҳам йўқ эмас. Чамаси, бу тоифа «ота»лар фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш ота-оналарнинг конституциявий бурчи эканлигини билишмайди ёки буни тан олишмайди. Шундай экан, сизу биз ён-атрофдагилар, жамоатчилик вакиллари, кўпни кўрган отахону онахонлар бу ҳақиқатни уларнинг қулоғига яна бир бор қуйиб қўйсак, фойдадан холи бўлмасди.

Мўминжон ОБИДОВ,
Мўйдинжон ЖАМОЛИДДИНОВ,
ҳуқуқшунослар

Dunyoning ishlari

ФУТБОЛ... АВТОМОБИЛЬ... ВА ЎҒРИЛАР

2006 йил футбол бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати бир-биридан ғаройиб воқеаларга бой бўлди. Кўпчилик футбол юлдузлари нафақат тўп учун курашда, балки антиқа автомобиллари билан ҳам ўз мухлисларини лол қолдиришга ҳаракат қилишди. Таъкидлаб ўтиш керакки, ҳақиқий мухлислар номдор тўп усталарининг нафақат майдондаги маҳорати, балки уларнинг шахсий ҳаётлари билан ҳам қизиқишади.

Биз шуни инобатга олиб, қуйида жаҳондаги энг машҳур ва шу билан биргаликда энг қимматбаҳо автомобилларда сайр этишни хуш кўрадиган футболчилар ҳақида ҳикоя қиламиз.

Хўш, футбол юлдузлари асосан қандай автомобилларни ёқтиришади? Албатта, бу саволнинг жавоби кўпчиликни қизиқтириши табиий. Лекин биз аввало қайси юлдуз футболчининг машинаси кўп, деган саволга жавоб излаб кўрайлик.

Маълумки, Англия терма жамоаси сардори, истеъдодли тўп устаси Дэвид Бекхем аллақачон юлдуз футболчилар қаторидан жой олган. Жаҳоннинг барча мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам унинг мухлислари сон-саноқсиз. Буни қарангки, тўпурарлик ва майдондаги «сеҳргар»ликлари



билан ном қозонган тиниб-тинчимас Дэвид машина ишқибозлари орасида ҳам жуда машҳур экан. Бунга унинг шахсий гаражида сақланадиган «Vanquish», «Hammer H2», «Linkoln», «Naviganor 4x4», «Range Rover», «Lamdorjini», «Rolls-Roece» русумли автомобилларни мисол сифатида келтириш мумкин. Албатта, ҳақиқий машина ишқибозлари юқорида номлари зикр этилган автомобиллар бозорда қанча нархи қанча эканини яхши билишади. Ажабланарли томони шундаки, Бекхем гаражидаги машиналарнинг айримларидан бир йилда бир бора фойдаланади ёки йўқ...

Дэвид Бекхемни кўя турайлик, автомобилга ишқибозлик бобида ундан қолишмайдиган футболчилар ҳам йўқ эмас. Масалан, у сардорлик қилаётган терма жамоадаги бошқа футболчилар ҳам имкон даражасида ўз етакчиларидан «орт»да қолмасликка ҳаракат қилишади.

Айтайлик, жамоанинг яна бир жаҳонга машҳур ўйинчиси Уэн Руни «Cadillas» «Eskalad» ва «BMW X5» русумли автоуловларга эга экан. Бунинг устига Уэн қимматбаҳо автомобилларга ўта ишқибозлиги боис, яқинда севгилисининг туғилган кунига одатда, ошиқлар ўз маъшуқаларига совға қиладиган қимматбаҳо атир-упа ёки

тилла тақинчоқ эмас, балки энг сўнгги русумдаги «Horsche» автомобилини туҳфа этди.

Жо Коул ва Питер Краучнинг эса бир хил маркадаги «Ferrari Enzo» ҳамда «Hundai» русумли машиналари бор. Бу машиналарнинг жаҳон бозоридаги нархи ҳам унчамунча бойвучча харидорларни «чақиб қўяди».

Фильм қаҳрамони айтганидек, «бу дунёда тиниб-тинчимаган одамлар нималарни ўйлаб топишмайди», дейсиз? Бундай дейишимиз бежиз эмас, албатта. Яқинда Англияда ғалати сўров ўтказилди. Асосан футбол ишқибозлари қатнашган бу сўровда мамлакатнинг қайси футбол клуби аъзолари энг қиммат баҳо ва машҳур автомобилларни харид қилади, деган саволлар ўрин олган эди. Натижа эса сўровнинг ўзидан ҳам ғалати бўлиб чиқди. Чунки аксарият ишқибозлар «Арсенал», «Челси», «Ливерпуль» каби футбол клубларининг ўйинчилари жаҳонда энг қиммат баҳо автомобилларга эга эканини эътироф этишган. Мутахассислар бунинг сабабини қуйидагича изоҳлашмоқда.

Маълумки, англияликлар ҳамиша ўз ватанпарварликлари билан мақтанишади. Шунинг учун ҳам ишқибозлар «энг қиммат ва энг машҳур автомобил» сифатида «Aston Martin»ни қайд этишган. Кейинги ўринларни эса «Bentley», «Range Rover» ва «Mercedes-Benz» каби дунёга машҳур автомашиналар «забт» этган.

Мана, англиялик футбол юлдузлари қайси русумдаги автомашиналарни харид қилишини билиб олдик.

Хўш, жаҳоннинг бошқа мамлакатлари футбол юлдузлари қандай автомашиналарини ёқтиришади? Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, жаҳон чемпионатида Германия билан баҳсда рақиб дарвозасини ишғол этган Алессандро Дель Пьеро ўзининг «Labcia»сида юришни ёқтиради. Химоячи Алессандро Неста эса «Porsche», «VW Кабриолет» ва «Smart» машиналарининг соҳиби.

Михаил Баллакнинг «Audi RS6» русумли автомашинаси ҳам нархи ва машҳурлиги билан бошқаларникидан қолишмайди.

Юлдузларнинг феъл-атворини ҳам тушуниб бўлмайди ўзи. Чунки Франция терма жамоаси етакчи тўпурарларидан бири Тьерри Анри ўзининг «Renault» автомобилини реклама қилишни яхши кўрар экан. Лекин негадир ўзи французларнинг севимли автомашинаси бўлмиш «Aston Martin» ва «Vanquish»да саёҳатга чиқади.

Энди жаҳоннинг турли мамлакатларида ишлаб чиқарилаётган қайси автомашиналар энг бозорбоп ҳисобланади, деган саволга жавоб излаб кўрсак. Яқинда айнан ана шу савол юзасидан Американинг «Cobcumer Reports» хусусий журнали сўров ўтказди. Сўров натижаларига кўра, йилнинг энг зўр машиналари рўйхатидаги 10 йўналиш бўйича пешқадамликни япон автомобиллари қўлга киритган.

Шу ўринда масаланинг яна бир жиҳатига ҳам тўхталиб ўтиш керак. Одатда, қимматбаҳо машина эгалари ўғрилардан жуда эҳтиёт бўлишади. Чунки яхши молнинг харидори ҳам кўп бўлади. Хусусан, ўғрилар ҳам одатда асл молга кўз тикишади. Тадқиқотлар ўтган йили Америкада эҳтиёт қисмларга ажратиб, сотиб юбориш осон бўлган кичик автомобиллар энг кўп ўғирланганини кўрсатади.

Бу рўйхатнинг энг «юқори»сидан «BMW M» ва «Sirier Roodster» каби автомобиллар ўрин олган. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўтган йили ана шу русумдаги машина эгаларининг ҳар 200 нафаридан бири ўз автомобилидан маҳрум бўлган.

Шунингдек, кўп ёқилғи сарфловчи, йўл танламас машиналар ҳам бензин нархи кундан-кунга ошиб бораётганига қарамасдан, ўғрилар назаридан четда қолмаяпти. Чунки бундай автоуловлар

энг қиммат нархли автомобиллар сирасига киради. Мисол учун «Cadillal Escalade» русумли автоуловнинг бир дона ғилдирагининг ўзи 10 минг АҚШ долларига тенг экан.

Хуллас, ана шунақа гаплар.

Интернет материаллари асосида Зафар ЁҚУБОВ тайёрлади

ЭЪЛОНЛАР!

Самарқанд вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2006 йил 5 августдаги қарори билан Полвонов Нормурод Бобомурадович номига берилган SA 000155 серияли, 155 рақами билан давлат реестрида қайд этилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан Яккасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасидаги бўш нотариуслик лавозимига танлов ўтказилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар бир ой муддат ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

а) Комиссия номига ариза;
б) Паспорт нусхаси;
в) Шахсий варақа (сўровнома);
г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тадиқланган нусхаси;
е) Малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) Нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорларга ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
з) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Манзилимиз: Тошкент-186 Мирзо Улуғбек тумани, Муҳиддинов кўчаси, 26-уй. Телефон: 169-14-45.

Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей маъмурияти замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали, чуқур касбий билимга, ижодий ва илмий малакага, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларга эга бўлган кадрларни саралаб олиш мақсадида 2006-2007 ўқув йиллари учун

1. Хорижий тиллар кафедрасига — инглиз тили фани (30 соат), немис тили фани (10 соат);
2. Ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига — ўзбек тили ва адабиёти фани (30 соат);
3. Аниқ фанлар кафедрасига — химия фани (18 соат);
4. Жисмоний тарбия ва ёшларни чақириққа қадар тайёрлаш кафедрасига — жисмоний тарбия фани (20 соат), ёшларни чақириққача тайёрлаш фани (20 соат) бўш (вакант) ўқитувчи лавозимларига

Танлов эълон қилади:

Танлов Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги раҳбар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларни эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низомига асосан.

Танловда илмий даража ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасаси бўйича магистр ва бакалавр дипломи бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Танлов иштирокчилари мутахассислиги бўйича суҳбат ва мазкур фандан кафедра аъзолари ҳамда танлов ҳайъати аъзоларига очиқ дарс ўтиб беришлари лозим.

Номзодларнинг аризалари 2006 йилнинг 25 августига қадар тақдим этилиши сўралади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Паспорт нусхаси;
2. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
3. Олий маълумот (бакалавр, магистр) ҳақидаги диплом нусхаси;
4. Тиббий маълумотнома;
5. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги диплом нусхаси (мавжуд бўлса);
6. Илмий-услубий ишлар рўйхати (агар мавжуд бўлса);
7. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.

Манзилимиз: Юнусобод тумани, Марказ 5, 88-уй. Телефон: 135-67-41, 135-67-38.

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Jinoyat va jazo

ШИША ИЧИДАГИ ОҒУ

Суд очерки

Айни дамда Дилшод ўша қарз гапни етказиш мақсадида эшикни тақиллатаётган эди. Аммо дарвозанинг тақиллагани Бахтиёрни негадир баттар жазавага солди. Шунинг учун ким у, дея бор овозда бақирди.

— Ассалому алайкум, Бахтиёр ака, — деди Дилшод дарвозадан бош суқиб, ҳовлига мўраларкан.

— Кимсан? — авзойи баттар бузилиб сўради Бахтиёр.

— Укангиз Эркиннинг қайинукаси Дилшод бўламан...

Бахтиёр негадир бу йигитни бирдан ёмон кўриб кетди. Ҳатто аллақаёққа кетган хотинини ҳам ундан рашк қилди. Балки бу йигит хотинимни сўраб келгандир, деган хаёлга ҳам борди. Шу туфайли у бирдан Дилшодни ҳақорат қилишга тушди. Кейин эса бу билан қаноатланмай, унга пичоқ ўқталди. Кутилмаган тахдиддан ҳуши бошидан учган Дилшод жон ҳолатда қочишга тушди. Бахтиёр гандираклган кўйи уни қувиб кетди. Дилшод кўчанинг чап томонига ўтиб, бир уйнинг дарвозахонасига кириб яширинди. У бир неча дақиқа шу ерда жон сақлаб турди-да, сўнг азбаройи қўрқиб кетганидан шоша-пиша қишлоғига йўл олди.

Энди бу ёғини сўрасангиз, қишлоқнинг ўртасидан кесиб ўтган йўл четида, енгил машинада Абдулла Раззоқов ва Қаҳрамон Бўронов Дилшодни кутиб туришарди. Бироқ улар кутилмаганда Дилшоднинг ўрнига ёвуз қиёфага кирган Бахтиёрга кўзи тушиб, бирдан сергак тортишди. Бахтиёр эса қўлидаги пичоқни ҳавода ўйнатиб, телбанамо бир қиёфада машина томон югуриб келарди. Унинг хаёлини битта ўй банд этиб олган эди: «ўлдираман». Бироқ у нега ёвузлашиб кетганини, нима сабабдан кимнингдир жонига қасд қилиш пайига тушиб қолганини айни дамда идрок этолмасди.

Шундан сўнг воқеалар бирдан қалтис тус олди. Бахтиёр ҳеч қандай сабабсиз ҳайдовчи ўтирган эшикни очиб Абдулла Раззоқовга ташланди ва қўлидаги пичоқни унга устма-уст санча бошлади. Бир зумда Абдулла Раззоқов қип-қизил қонга беланди. У жон ҳолатда ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлаб қутулишга уринар, аммо бунинг уддасидан чиқолмасди...

— Бахтиёр ака, мен қудангиз Қаҳрамонман. Бу одам мен билан келган. Урманг, уни, — дея Қаҳрамон ялиниб-ёлвориб уни тинчлантиришга уринарди.

Аммо Бахтиёрга айни дамда на гап-сўз, на панд-насиҳат ва на ялиниб-ёлвориш таъсир қиларди. У бутқул қутуриб кетган эди. Бу ғалағовур, шовқин-суронни эшитган қўшнилар — Моҳтоб Қодирова, Рустам ва Хушнуд Тўхтаев етиб келишиб, бир нотаниш кишининг қонга беланган ҳолда ётганини кўришди.

Бахтиёр эса энди Қаҳрамонга ҳамла қилишга ўтганди. Аммо Қаҳрамон эпчиллик қилиб, машина эшиги билан уни итариб юборди. Шунда Бахтиёр бир-икки қадам орқага тисарилиб кетгач, Қаҳрамон қочиб қолди.

Бу пайтда фожиа рўй берган жойда тумонат одам тўпланган эди.

— Бахтиёр куч-мадори қолмаган, зўрға нафас олаётган Абдуллага яна пичоқ санчмоқчи бўлганида мен унинг қўлидан тутиб қолдим, — деди дастлабки тергов ва суд мажлисида гувоҳ Моҳтоб Қодирова. — Бахтиёр, укажон, пичоқни менга бер, дедим. Бироқ у қулоқ солмай, Абдуллага яна пичоқ санча бошлади. Бир амаллаб қўлидаги пичоқни тортиб олиб, ёнгинамиздаги ариққа ташлаб юбордим. Абдулланинг инграган кўйи мени уйимга олиб боринглар, илтимос, 4 нафар фарзандим бор, дея ёлворгани ҳали-ҳануз қулоқларим остида эшитилиб турибди.

Қисқаси, ўша кун одамлар Абдуллани зудлик билан касалхонага олиб боришди. Аммо шифокорлар ҳарчанд уринишмасин, унинг ҳаётини сақлаб қолишнинг имкони бўлмади.

Бу фожиа, ҳеч шубҳасиз, ҳар бир кишининг кўнглида оғриқ қўзғайди, мушоҳада юритиш, унинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилишга ундайди.

Хўш, бу фожиа нега рўй берди? Унинг келиб чиқиш сабаблари нима билан изоҳланади?

Албатта, бу фожианинг юз беришига биринчи навбатда, ички сабаб бўлган. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, Бахтиёр бу иллатга қачон ружу қўйган? Бунинг устига ўша кун меҳмондорчиликдан қайтгач, қариндош-уруғлари Бахтиёрнинг қаттиқ маст эканини била туриб, нега уни ўз ҳолига ташлаб кетишди? Бу хатти-ҳаракатлари билан улар фожиа рўй беришига йўл қўйиб беришмаганми?

Ҳаётда меҳр-оқибат, самимийлик, одамохунлик каби фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, ҳар бир киши нафақат ўз умрини, ўзгалар умрини ҳам қадрлаб, асраб-авайлаб яшаши керак.

Шундагина бундай фожиаларга ўрин қолмайди.

Сухандиёр РЎЗИЕВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1015. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6